O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI DEVONI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 13-NOYABR ■ PAYSHANBA ■ 132 (27.152) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 ноябрь куни Оқсаройда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) фармойиш берувчи директорининг ўринбосари Шигемитсу Сугисакини қабул қилди.

— Ўзбекистон ХВЖ билан ҳамкорликни кенгайтиришга катта эътибор беради ва ушбу халқаро молия муассасасининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ХВЖ билан кенг қамровли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, кейинги бир ярим йил давомида мазкур ҳамкорлик янада фаоллашди. Бу вақт давомида «Миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертациясини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар режаси» ҳаётга жорий қилинди. Натижада шу йилнинг 15 октябридан сўмнинг ХВЖ Битим моддаларининг VIII моддаси андозаларига мувофиқ конвертацияси таъминланди.

2002 йил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ХВЖ ҳамкорлигида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш, жумладан, валюта бозорини эркинлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутувчи Иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича меморандум ҳаётга жорий этилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳукуматимизнинг валюта бозорини тўла эркинлаштириш тўғрисидаги қарори ХВЖ раҳбарияти томонидан юқори баҳоланиб, ушбу ташкилот Ўзбекистонга барча зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр эканлигини билдирган. Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида ўтказилган амалий мулоқотлар натижасида саъй-ҳаракатлар режасида белгиланган барча вазифалар қайд этилган муддатдан аввал бажарилди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг валюта бошқаруви тизими ва бу борадаги қонунлари ХВЖ Битим моддаларининг VIII моддаси талабларига тўла мос келади.

Оқсаройда ўтган суҳбатда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришда халқаро молиявий ташкилотлар, жумладан, ХВЖ билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

❖❖❖

Суратда: қабул пайти.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ВАЗИРЛАР АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли меҳмонлар!

Аввало, сизларни, Тошкент шаҳрида ўтаётган Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар анжумани қатнашчиларини қутлар эканман, ҳаммангизга иззат-икром ва эҳтиромимни изҳор қилмоқчиман.

Биз Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ғоясининг асосий ташаббускорларидан бири, устувор қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида йиғилган ушбу нуфузли анжуманни ўтказишга бошқош бўлаётган Осиё тараққиёт банкининг ролини юксак қадрлаймиз.

Минтақамиздаги мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси ва мантиғи минтақавий иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви объектив қонуният эканлигини тасдиқламоқда ҳамда ижтимоий ўзгаришлар ва ҳамкорликни ривожлантириш учун мисли кўрилмаган имкониятлар очмоқда. Бугунги кунда биз глобаллашув жараёнининг тўла ва тенг ҳуқуқли қатнашчилари бўлиш, XXI асрда Марказий Осиё давлатларини халқаро муносабатлар ва жаҳон хўжалик алоқаларининг янги тизимига жалб этиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ имкониятга эгамиз.

Марказий Осиё давлатлари тарихан мустаҳкам иқтисодий муносабатлар тизими билан ўзаро чамбарчас боғланган. Минтақамиз салоҳиятининг бойлиги нуқтаи назаридан, истиқболли халқаро лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда минерал-хомашё, сув-энергетика заҳиралари ҳамда коммуникациялардан фойдаланиш соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш борасидаги имкониятларининг кенглиги жиҳатидан ноёб мавқега эгадир.

Жўғрофий ҳолатига кўра улкан транзит салоҳиятига эга бўлган Марказий Осиё минтақаси жаҳон миқёсидаги коммуникация инфратузилмасидан муносиб жой олиши, Европа билан Осиё ўртасидаги асосий қитъалараро транспорт «кўприклари»дан бири бўлиб қолиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Минтақани «анклав» ҳолатидан чиқариш муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ транспорт коммуникациялари соҳаси Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар ҳамкорлигининг устувор йўналиши ҳисобланади. Биз «боши берк» транспорт йўналишларини эмас, балки умумжаҳон коммуникацияларига олиб чиқадиган магистрал транспорт йўлларини ривожлантиришни принципиал муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. «Буюк Ипак йўли» йўналишлари орқали Марказий Осиё ва Кавказни Европа ҳамда Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан боғлайдиган йўлларни барпо этиш минтақадаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожлантириш масалаларини комплекс ҳал этишни таъминлайдиган тарзда интеграциялашувига кўмаклашади.

Энергетика инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг муҳим мақсади бўлган ёқилғи-энергетика комплекслари самарадорлигини ошириш мамлакатларимизнинг ресурсларини ўзаро тўлдириш тамойилига асосланиши лозим.

Афғонистондаги вазият барқарорлашиб бораётгани ва халқаро ҳамкорлик дастурлари амалга оширилаётгани муносабати билан ҳамкорликнинг мазкур йўналишлари алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу мамлакат иқтисодиётини қайта тиклаш борасидаги кенг миқёсли режалар минтақани ривожлантириш ва интеграциялашнинг умумий ёндашувига ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Шу муносабат билан, етакчи халқаро донорларни Осиё тараққиёт банкининг ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва Марказий Осиёнинг минтақавий дастурларини амалга оширишга яна ҳам кенгроқ жалб этиш принципиал муҳим масаладир.

Ўзбекистон ҳамкорликнинг ўзаро келишиб олинган устувор йўналишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва минтақа мамлакатларининг миллий манфаатларига мос келадиган транспорт, савдо ва энергетика соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёрдир.

Вазирларнинг Тошкент анжумани давомида бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда мамлакатларимиз аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилган минтақавий устувор дастурларни тузиш ва амалга оширишга оид энг мақбул ечимлар ишлаб чиқилишига ишонаман.

Барча қатнашчиларга самарали фаолият ва анжуман ишининг муваффақиятли якунланишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ВАЗИРЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Тошкентда Марказий Осиё ҳудудий-иқтисодий ҳамкорлик доирасида вазирларнинг иккинчи халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда Озарбайжон, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғилистон, Тожикистон, Ўзбекистон делегациялари, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Япония, Туркия давлатларидан кузатувчилар, ЮСАИД ва БМТ ривожланиш дастури вакиллари иштирок этдилар. Конференцияни мамлакатимиз Бош вазири ўринбосари Р.Азимов бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов Президентимизнинг йиғилиш қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Маълумки, вазирларнинг дастлабки халқаро йиғилиши 2002 йилда бўлиб ўтганди. Бу вақт оралиғида ўзаро ҳамкорлик самарали натижалар берди. Айниқса, сув, энергетика, йўл-транспорт, савдо ва божхона соҳаларида Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, Ислом тараққиёт банки сингари нуфузли уюшмаларнинг фаоллиги ошди. Донор мамлакатлар билан биргаликда халқаро молия институтлари ҳам янги-янги лойиҳалар тузишга киришди. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи ва юрт фаровонлигини ошириш ҳамда мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишда эришилган ютуқлар салмоқли бўлди.

Осиё тараққиёт банки президенти Т.Чино конференция иши Марказий Осиё халқлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини, иқтисодий ривожланиш йўлида ҳамкорликда қилинаётган ҳар бир ҳаракат яхши натижалар бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Марказий Осиё табиий ресурсларнинг катта заҳирасига эга минтақа, — деди Хитой Халқ Республикаси молия вазири Л. Йонг. — Бу ерда азал-азалдан Буюк ипак йўли орқали савдо-сотиқ, яхши қўшничилик анъаналари ривож топган. Янги асрда ҳам минтақавий иқтисодий ҳамкорлик тараққиёти жаҳон андозаларига мос даражада олиб борилишига ишончим комил.

Умида МАНСУРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КОМПЬЮТЕР ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ ТЎСИҚ

Тошкент. (ЎзА мухбири Т.Ботирбеков). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг компьютер жиноятлари бўйича қонунчилигини такомиллаштириш масалалари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, БМТ Тараққиёт дастурининг «Рақамли ривожланиш ташаббуси» дастури, «Интернет сиёсати буйича бутунжаҳон ташаббус» лойиҳаси ташкил этди. Давра суҳбатида депутатлар, давлат бошқаруви идоралари, халқаро ташкилотлар, илмий жамоатчилик вакиллари иштирок қилдилар.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик бошқарган мажлисда Ўзбекистон Республикасининг компьютер жиноятлари буйича қонунчилиги аҳволи ва уни такомиллаштириш истиқболлари муҳокама этилди.

Маълумки, сўнгги йилларда республикамизда ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантириш ва уларни жамият ҳаётида қўллаш доирасини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Мамлакат иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида АКТни ривожлантириш ва унинг имкониятларидан фойдаланиш учун қулай шароит яратишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилмоқда.

Бироқ, хорижий мамлакатлар тажрибасидан кўринадики, АКТ ривожлангани сари жамиятда қонунбузарликнинг янги тури ҳам пайдо бўлади. Шу боис, АКТни ривожлантиришга қаратилган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш билан бирга, бундай жиноятлар учун жавобгарликни белгилаб берувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим. Бу масалаларни ҳал этиш учун мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани чуқур таҳлил қилиш керак.

Мажлис давомида АКТ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар меъёрларини амалда қўллаш ва Ўзбекистоннинг компьютер жиноятлари соҳасидаги қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ турли масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама эркин мунозара, савол-жавоб ва фикр алмашувнинг бошқа шаклларида олиб борилди. Айни пайтда, чет мамлакатлар ва халқаро ҳамжамиятнинг компьютер жиноятлари борасидаги тажрибаси умумлаштирилди.

Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ЖАҲОН БЎЙЛАБ ТАРАЛАЁТГАН КУЙ

В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси **Беҳзоджон АБДУРАИМОВ** Италиянинг Агрополи шаҳрида 14-19 октябрь кунлари ўтказилган ёш пианиночиларнинг йирик халқаро кўрик-танловида мутлақ биринчиликни қўлга киритди.



Беҳзод АБДУРАИМОВ 1990 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. **1997** йилдан мусиқа академик лицейи ўқувчиси. **1999** йили «Санъат ғунчалари» республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган. **2000** йилда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган ёш пианиночиларнинг халқаро кўрик-танлови ғолиби. **2001** йилда Италиянинг Парма шаҳрида болалар ёзги халқаро фестивали иштирокчиси ва совриндори. **2002** йил октябрь ойида ёш мусиқачиларнинг Хитойда бўлиб ўтган халқаро танловининг «Энг яхши мусиқачи» дипломи соҳиби. **2003** йилда эса Италиянинг Агрополи шаҳрида ўтказилган ёш пианиночиларнинг халқаро кўрик-танловида мутлақ ғолиби бўлди.

Шундан сўнг Беҳзоджон Неаполь шаҳрида дунё санъатининг умид юлдузлари иштирокидаги концертда қатнашди. Унинг ижросидаги мусиқадан сўнг барча томошабинлар оёққа қалқиб ёш истеъдодни олқишладилар.

Бутун жаҳон болалари иштирок этган бу мусиқа байрами Беҳзоджон учун янги-янги имкониятларни очиб берди. У **2004** йилда Австрия, Греция, Вьетнам каби мамлакатларда ўз концерт дастурини намойиш этиш ҳуқуқига эга бўлди.

— Танловларда иштирок этишнинг яхши томони, кўплаб дўстлар орттирдим. Чехиялик Лукас, вьетнамлик Тантан билан хат ёзишиб туришга келишдик, — дейди Беҳзоджон Абдураимов.

«Азалдан халқимиз орасида доно ва истеъдодли ёшлар кўп чиққан, улар ақлу заковат бобида дунёни лол қолдиришган». Президентимизнинг бу сўзлари нақадар ҳаётийлигини Беҳзоджон каби истеъдодли фарзандларимиз тимсолида бот-бот иқрор бўлаяпмиз.

Беҳзоджон Абдураимов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тамара Попович ҳамда иқтидорли фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаётган онаси, мусиқа муаллими Гулсун Абдуллаевалар мадади билан катта парвозларга шайланмоқда.

Ҳа, ўзбек боласи ижро этаётган куй дунё бўйлаб таралмоқда.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

❖❖❖

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ЎЗИМИЗНИНГ «МАДОННА»

Халқимизда яқинларининг яхши кунида гилам туҳфа этиш одат тусига кирган. Чунки, гилам рўзғор учун жуда асқотса, яна бир жиҳати, совғабоп жиҳоздир. Ота-оналар фарзандларининг бўйи чўзилиб, кўзга ташланиб қолса, яхши ният билан гилам харид қилиб, асраб қўядилар. Янги тушган келиннинг «қадами қутлуғ бўлсин, болалари тепкилаб-тепкилаб югурикласин» дея қайнотаси пойига гилам ташлайди.

Ҳа, гилам халқимизда муқаддас тушунчалар қаторида эъзозланади, қолаверса ҳамиша эҳтиёжталабдир.



Яқинда бозор айлана туриб, ранго-ранг гиламлар эътиборимни тортди. Сотувчидан:

— Туркия гилами қанча туради? — сўрадим қалин патли гиламни оҳиста силаб. — Жуда чиройли, сифатли, қалин экан..

Сотувчи бир гиламга, бир менга юзланиб, мийиғида кулди.

— Бу «Мадонна» ўзимизники. Ўзимизда ишлаб чиқарилган. Қизиқишим ортди.

Олмалиқдаги Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси ташкил топганига уч йилдан ошди. Корхонага Туркия, Эрон, Германиядан замонавий дастгоҳлар келтирилди, даставвал, буғ билан ишлаган бўлса, ҳозирда корхона газ асосида фаолият кўрсатиб, 400 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Корхона тез орада Қайроқум ҳамда ўзимизнинг Хива гилам фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати билан рақобатлаша оладиган гилам, палослар тайёрлай бошлади.

3-бет

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Илмий очерк

КАШФИЁТНИНГ МУРАККАБ ЙЎЛИ

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА: УБАЙ АКА КАМТАР, КАМСУҚУМ, МЕҲНАТКАШ, ФИДОЙИ ИНСОН. ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, КЎРИНИШИДАН — ШАКЛАН ДЕҲҚОН-У, МАЗМУНАН ОЛИМ ОДАМ...

(Биринчи мақола)

Унинг болалиги ва ёшлиги Тошкентдаги Оққовоқ пахтачилик тажриба станцияси ёнида ўтди. Уйлари шу ерга яқин эди. 1950 йилларда бу ерда пахтачилик илмининг йирик олимлари ва мутахассислари тажрибалар олиб боришарди. Уларнинг ишларига қизиқиш ва ҳавас уни (1955-1960 йилда) Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига етаклади. Олий маълумотли ёш мутахассис меҳнат фаолиятини пахтачилик илмий-текшириш институтида лаборантликдан бошлади...

I. «МИВАЛ» ИЗИДАН

1975 йил. Убай Мадраимов фан номзодлигига даъвогар бўлиб, илмий ишини якунлаш кезларида навбатдаги адабиётларни ўрганаётган эди, ўша йиллари нашр этилган «Химия ва ҳаёт» журналида таркиби органик крем (мой)дан иборат мивал препарати тўғрисидаги мақолага кўзи тушиб қолди. Бу — унинг ҳам илмий, ҳам тажриба ишлари олиб бораётган мавзусига айни керак препарат эди... «Эврика! Топдим! Излаган топади!» — суюниб кетди у.

Эртасига Иркутскка — ўз даврининг йирик илмий-текшириш институтларидан бирининг директори, мақола муаллифи академик М.Г.Воронков ҳузурига учди. Академик ёш ўзбек тадқиқотчисини яхши қабул қилиб олди. Унга бир неча кун мавжуд адабиётлар ва илмий изланишлар жараёнлари билан танишиб чиқишига шароит туғдирди. «Ўшанда яратилган шароитдан фойдаланиш ўз йўлига эди, — деб эслайди Убай ака ҳозир, — лекин менга мивал препаратининг ўзи керак эди... Уни олиш эса осон эмасди. Сабаби — препарат ҳали амалиётдан сир сақланаётган, «секрет» эди...»

Препаратни жуда қийинчилик билан бўлса-да, қўлга киритган Убай ака қайтиши биланоқ, ҳеч кимга билдирмай тажриба ишларини бошлаб юборди.

ИЛК ТАЖРИБА Мивалнинг биринчи самараси шуни кўрсатдики, чигит тез униб чиқди, тез ривож олди ва ғўза тез гулга кирди...

Янгилик қанот олди. У билан океан орти пахтачилик мутахассислари ҳам қизиқиб қолишди. Кўп ўтмай препарат Американинг «Цианамид», «Вильбур Эллис» фирмаларида синаб кўрилди. Натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлди: «О'кей, Убай, браво! — дея елкасига қоқдилар унинг ва мамлакатнинг Фресно шаҳрида жойлашган йирик қишлоқ хўжалиги университетига маъруза қилиш учун таклиф қилишди.

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» дейишади. Мустабидлик тузуми тазйиқи таъсиримми, ҳар қалай мивални ўзимизда — Ўзбекистонда ҳадеганда тан олишавермади. Аниқроғи, ҳар хил маҳкамалар, муассасалар, илмий-текшириш институтлари раҳбарияти яратилган янгилик биргина ёш тадқиқотчи номи билан боғлиқ бўлиб қолишини унчалик хуш кўравермади. (Дарвоқе, бундай ҳоллар ўша йилларда авж олган бўлиб, деярли ҳар бир соҳада учрарди. Таниқли ёзувчи Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» романи ва шу асосда ишланган машҳур фильмни эсланг... Ёхуд кўп курашлардан сўнггина давлат мукофотига сазовор бўлган селекционер олим, вильт касаллигига чидамли «Тошкент-1» пахта навининг муаллифи Содиқ Мирахмедов тақдирини ёдга олинг).

КОМИССИЯЛАР... КОМИССИЯЛАР... Янгиликка биринчи бўлиб қарши чиққанлар — бунга қадар ишлатилиб келинган препарат — «А-1»нинг муаллифлари бўлишди. Уларнинг «талаб»и билан «казо-казо»лардан тузилган махсус комиссия республика пахтачилигида алмисоқдан маълум бўлган бир йўла 17 та турдош препаратни синовга қўйишди. Мивал муваффақиятли ўтди! У ютиб чиқди. Биринчи ўринни эгаллади. Рақобатчилар доғда қолишди.

Кейинги гал тузилган ўн кишидан иборат комиссия «Союз НИХИ» раҳбариятининг «ташаббуси» билан бўлди. Синов майдони учун бу сафар Янгийўлдаги хўжаликлардан бирининг пайкаллари танланди.

— «Дунёда яхшилар кўп, — хотирлайди Убай ака. — Ўшанда комиссия аъзолари орасида мивалнинг кўрсаткичларини атай камайтиришга уринаётганлар борлигини сезган хўжалик раиси, (марҳум) Меҳнат Қаҳрамони Мадамин Мараҳимов «текширишни тўғри, ҳалол ўтказинглар, йўқ-са, мен хафа бўламан», деб туриб олди. Унинг бу гапини комиссия аъзоси, 80 ёшли олим, мутахассис М.А.Белоусов ҳам қувватлади. Натижа яна юқори бўлди. Ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверди.



Убай Мадраимов шундан сўнг «энди комиссиялар тугади» деб ўйлаганди. Лекин ҳар икки комиссия таҳлилларига «шубҳа» билан, аниқроғи, улардан «қониқмаган ҳамкасб»лар учинчи комиссияни ҳам тузишди. Мивал синови энди Ўрта Чирчиқ туманига кўчганди. Бахтга қаранг-ки, препарат қўли яна баланд келди.

— Учдан кейин пуч, жўралар... Мана энди мивал мутлоқ ўзини оқлади. Насиб этса энди у бутун республика хўжаликларида қўлланилади, — деб Убай ака ўз сафдошларига катта умид билан далда бериб юрган кезларида бир куни уни Қишлоқ хўжалиги вазирлигига чақириб қолишди.

— Янги профессионал ва ўта малакали комиссия тузаяпмиз, — дея қарши олди уни вазир. — Препаратингизни бир эмас, икки эмас, Тошкент вилоятининг ҳар бир туманидан биттадан хўжаликни танлаб олиб — ҳаммасида синаб кўрадиган бўлдик...

Комиссияларни кўраверіб ўзига ҳам, препаратига ҳам ишонган олим бу гал ҳам одатдагидек ҳеч қандай эътироз билдириб ўтирмади. Фақат бироз киноя билан: «Майли, «йиқилган курашга тўймас» — дейишади. Яна майдонга тушаверишсин», — деди-ю чиқди-кетди.

Синов эрта баҳордан бошланди. Ёз бўйи Убай ака ўз ходимлари билан гоҳ у хўжаликда, гоҳ бу хўжаликда очданоч қолиб кетган кезларда ҳам далаларда тунаб юришди. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир туп ғўза ривожидан бохабар бўлиб туришди. Уйларига иккиуч ойлаб келиб-кетишнинг ҳам имкони бўлмаган пайтлар бўлди. Ҳаммасининг юзлари қорайиб, лаблари тарс-тарс ёрилган, оёқларини кирза этик урган, ойлаб сув кўрмаган жомакорлару тўзғиган «сомон шляпа»лар дала кезишди... Боз устига, шалдироқ машинанинг бензини, кунаро ёвғон овқат пули ҳам ҳаммаси ўзлари ёнидан эди...

Жўжани санайдиган чоғ — куз ҳам келди. Хўжаликлардан бири-биридан яхши таҳлилий натижалар кела бошлади. Биргина мисол: шахсан вазир таклифи билан Бекобод туманида танланган хўжалик тажрибасида ҳосилдорлик гектар бошига 20 центнердан ошиб кетди. Ҳолбуки, назоратнинг тахминий натижасига кўра 10 центнердан кутилганди. Чунки, хўжаликнинг тупроқ шароити ниҳоятда оғир бўлиб, ундан намнинг ўтиши қийин эди. Кейин маълум бўлишича, вазирнинг ўзи бу хўжаликни атай танлаган экан. Боиси, у бу ерларнинг тупроқ шароитини бошқаларга кўра яхшироқ биларкан. Қолаверса, Бекобод тумани шамол йўлида эмасми, намни тезда қочириб юбораркан... Шунга қарамай, мивал билан ишланган далаларда гектар бошига 100 мингдан ортиқ кўчат олинди. Мивал турдошлари билан ишланган майдонларда эса ҳар гектар ерда 10 баробар кам — 10 мингтадан кўчат ҳосил бўлди.

— Комиссия ўшанда яна ғирромлик қилди, — ҳикоя қилади кулиб Убай ака. — Ҳужжатларга натижани 20 центнердан эмас 10 центнердан деб ёзишди... Бироқ, поезд жойидан жилган эди... Ҳар қанча уринишмасин мивал ўша минтақада 10 центнерлик кўрсаткичи билан ҳам ютиб чиқди. Оллоҳнинг ҳақлигига қаранг...

ИШ ЎНГИДАН КЕЛДИ. Бошқа комиссия бўлмади. Мивал нафақат республика далаларига, балки ўша кезларда пахта етиштирувчи собиқ иттифоқнинг барча ҳудудларига рухсат олди. Зарур қўлланмалар ва тавсияномалар тайёрлашга киришилди. Лекин, уларни чоп этиш жараёнлари осон кечмади. Турли хил баҳоналар ва маҳкамачилик ишни ортга сураверіб турганда ишни яна Худонинг ўзи ўнглади: улар Германияда нашр этилди.

II. ЧЕКАНКАДА «ЧЕКИНИШ»

ёхуд ғўзани чилпишнинг кимёвий усули

...Курашларда тобланиб, тажриба олиб, маҳорат ошириб бораётган олим мивал ғалабасидан сўнг ғўза парваришида энг оғир, аммо ҳал қилувчи жараёнлардан яна бири — чеканкани қўл меҳнати билан эмас, химиявий препаратлар ёрдамида кимёвий чеканка ўтказиш устида иш бошлади.

«Маълумки, — деб ёзади у, — республикада август ойида ғўзанинг бўйига ўсишини тўхтатиш учун унинг тепадаги ўсиш нуқтаси олиб (чеканка қилиб) ташланади. Битта ишчи бир гектар далада камида 4-5 кун чеканка ўтказади. Бу — 1 миллион гектар ғўза чеканкасига 4-5 миллион ишчи кучи талаб этилади, дегани. (Тўғри, ишчи кучи етишмайдиган ҳудудларда бу жараён механизмлар ёрдамида ҳам бажарилади. Бунда пичоқлар 90 сантиметрдан тортиб, 1 метр баландликкача ўрнатилиб, ғўзанинг устки ҳосил тугунчаси аёвсиз кесиб ташланади...)

Илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳар икки ҳолда ҳам ўсиш нуқтаси узиб (кесиб) ташланган ғўза танасида катта физиологик ўзгаришлар юз беради. Унинг ён шохлари ривожланиб, қатор оралар қўшилиб кетади. Ён шохлари орасида пайдо бўлган майда, ёш барглар дефолиацияга бўйсунмайди, аэрация — ҳаво алмашинишига тўсқинлик қилади, боз устига, бу жараён айни ўғит кўп бериладиган, сувга талаб ошган пайтга тўғри келгани учун сувнинг пар (буғ)ланишига халақит беради, аниқроғи, сув парланмай ғўза шохлари орасида туриб қолади. Натижада, кўсаклар майдалашиб, баъзан уларни чиришга олиб боради.

Агар бу жараён таркибида мепикват-хлорид моддаси бўлган препаратларни сепиш йўли билан кимёвий чеканка ўтказишга кўчирилса, биринчидан қўл меҳнатига ҳожат қолмайди. Иккинчидан механизмлар билан бажарилган пайтда юз берувчи салбий ҳолатларга чек қўйилади. Яъни, ғўза арчасимон шаклда ўсиб, ён шохлари қисқариб боради ва энг муҳими, ҳосилдорлик пасаймайди, тепа қисмдаги кўсаклар тўқ, бўлимдор бўлади, тез очилади. Теримчи учун ҳам қулай: у ҳадеб ерга мункайиб эгилавермасдан, тик туриб териши осонлашади.

Тажрибада «Шо-же-ан» (Хитой), Мепикват-хлорид (Америка), «Устикс» (Ўзбекистон), ПИКС (Германия) сингари кимёвий препаратлар синовдан ўтказилди. Энг яхши натижани ПИКС ва Мепикват-хлорид кўрсатди. «Устикс» эса баъзи ҳолларда пахта нави сортини пасайтириб юбориб, уни сепган (ишлатган) одамларда узоқ муддат бош оғриғи ва бошқа хил нохуш асоратлар туғдирди.

Мақтаниш эмас-у, шундан сўнг бизнинг илтимосимиз билан республикамизга 16 тоннадан ортиқ ПИКС препарати келтирилди. Дастлаб у Тошкент, Наманган, Фарғона вилоятларининг ҳар бирида 1000 гектардан зиёд ғўза пайкалларига сепилди. Самара кутилгандек бўлди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигида ПИКСни синаб кўрган хўжаликларнинг мутахассислари, пахтачилик илмий тадқиқот институтлари ва уларнинг вилоятлардаги филиаллари мутасаддилари иштирок этган якуний натижаларга бағишланган анжуманда ПИКСни республиканинг ҳамма пахтазорларида қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди... Бу — бизнинг иккинчи ғалабамиз эди».

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

(Давоми келгуси сонда)

«Ҳосил — 2003»

ЎРИМ-ЙИҒИМ ИШЛАРИГА ҲАММА МАСЪУЛ

ёхуд Қорақалпоғистонда пахтакор ва шоликорларга мададкор бўлаётган савдо, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш ҳамда маданият ишлари жамоаларининг ибратли фаолияти ҳақида

Қорақалпоғистон Республикаси деҳқонлари бу йил баҳор ва ёз бўйи қилган меҳнатлари эвазига қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Бироқ, сўнгги кунларда мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида бўлгани каби осмонда паға-паға булутлар кезиб, гоҳ ёмғир, гоҳ совуқ бўлаяпти. Шунга қарамай, республика пахтакорлари ва шоликорлари камида 176 минг тонна пахта тайёрлаш ва шоличиликда ялпи ҳосилдорликни 200 минг тоннага етказиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Хўш, кузнинг бугунги тиғиз ва долзарб дамларида теримчиларга ва шоли ўрим-йиғимида фаол қатнашаётган механизаторларга кўрсатилаётган хизмат даражаси қандай?

Отахон ҲАМРОЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари:

— Йиғим-терим даврида пахтакор-у шоликорларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш борасида барча туманлардаги марказий касалхоналар қошида штаблар тузилди. Улар таркибига даволовчи шифокорлар, хирурглар, акушер-гинекологлар, травматологлар ва ортопедлар сингари турли йўналишдаги тиббиёт мутахассислари биркитилди. «Тез ёрдам» хизматига қўшимча биттадан автотранспорт ажратилди.

«Қорақалпоқ Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти эҳтиёж талаб жойларга зарур малҳамларни мунтазам етказиб бермоқда. Бугунгача 92 миллион сўмлик 20 номдаги дори-дармонлар, ҳар хил суркама мой (маз)лар, бинт, пахта, зеленка, йод, лейкопластир, ошқозон-ичак касалликлари ва иссиқликни туширувчи турли малҳамлар, шунингдек, бутланган тиббий қутичалар билан филиаллар тўла таъминланган.

Гулмурза ЙЎЛДОШЕВА, «Қорақалпоқтутинув» (матлубот) акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари:

— Дала меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатишда 22 та автолавка ишлаб турибди. Ҳар бир туман ўз шароитига кўра қўшимча 5-7 тадан автолавкалар ташкил этишди. Қораўзак, Кегайли, Хўжайли, Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа туманларида ишлаётган автолавкалар кунига 180-230 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатишмоқда. Қим Лариса, Ойимгул Мнажатдинова, Мавлон Бердибоев, Гулнора Алламбергенова, Рустам Бобожонов каби сотувчиларимиз хизматидан меҳнат аҳли миннатдор. Бугунгача ўрим-йиғим мавсуми жонкуярларига 2000 тоннадан кўпроқ ун, 96 тонна ўсимлик ёғи, 438 тонна шакар, 52 тонна макарон, 41 тонна хўжалик совуни, 74 тонна чой, 250 тонна ош тузи, 43 тонна гуруч ва иссиқ кийим-кечаклар (куртка, этик, фуфайка, телпак ва ҳакоза) сотувга чиқарилди.

Хўжаликларда умумий овқатланиш корхоналари меҳнат жамоаларига иссиқ овқат ташкил этди.

Тамара ДАВЛЕТМУРОТОВА, — Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазири:

— Меҳнат аҳли дам олиш пайтларини нечоғли яхши ва қувноқ ўтказса — иш унуми ортиб, йиғим терим ишлари ҳам тезлашади. Шу мақсадда биз уларнинг тушки ва кечки дам олишларини яхши ўтказишлари учун театрларимиз ҳамда концертларимиз репертуарларини қайта кўриб чиқдик. Уларни замонавий спектакллар, ҳар хил ашула ва рақслар билан бойитдик.

Ижодий дастуримизга кўра Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқа театри ижодий жамоаси Кегайли, Чимбой, Бўзатов, Қораўзак, Тахтакўпир туманлари хўжаликларида бўлиб, Сапар Хўжаниёзовнинг «Суймаганга суйкалма», Султонали Болғабоевнинг «Бизлар ҳам ошиқ бўлганмиз» спектакллари ва шоу дастурларини намойиш этишди. Шунингдек, қўғирчоқ театри ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилган Г.Гурьевичнинг «Ғознинг полапони», Мурат Бегимовнинг «Дўстликнинг кучи» спектакллари ҳам ўрим-йиғим иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди. Бу ижодий ишларда «Аму тўлқини» фольклор этнографик, «Айқалаш» миллий рақс ва «Гулзор» фольклор ансамблари жамоаларининг ҳам ҳиссаси катта.

Қорақалпоғистон Давлат музейларида пахтакор, шоликор ва бошқа қишлоқ хўжалиги тармоқлари меҳнаткашларининг халқ фаровонлиги йўлидаги фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил қилинмоқда, учрашувлар уюштирилмоқда. Кўчма кутубхоналарга сиёсий, бадиий адабиётлар билан бирга газета-журналларнинг янги сонлари ҳам мунтазам етказиб берилаяпти.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Пахта — 2003»

ПАСТДАРҒОМ РЕЖАНИ БАЖАРДИ

Пастдарғом тумани пахтакорлари давлатга 36358 тонна пахта сотиб, вилоятда илғорлар қаторида режани уддаладилар. Албатта, деҳқончилик учун мураккаб келган жорий йилда қўлга киритилган бу меҳнат ғалабаси замирида туманда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ётибди, албатта.

— Аввало, ер ўз эгасини топди, — дейди туман ҳокими Абдумўмин Жўраев. — Деҳқонларимиз иштиёқ ва қунт билан меҳнат қилишди. Эрта баҳорданоқ кўчатлар тўлиқ ундириб олинди. Парвариш оби-тобида бўлди. Натижани кўриб турибсиз: юзимиз ёруғ...

Туман пахтакорлари йиғим-теримни давом эттирмоқдалар. Эрта-индин вилоят пахтакорлари ҳам зафар қучиш арафасида турибди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

БУХОРО: ЯНА ИККИ ТУМАН МАРРАДА

Олот ва Ромитон туманлари пахтакорлари йиллик шартномавий режаларини шараф билан бажаришди. Олотликлар 9050 гектар майдондан 28500 тоннадан ортиқ «оқ олтин» йиғиштириб олиб, саккиз йиллик қолоқлик доғини ювдилар. Ҳосилнинг 85 фоизи биринчи навга қабул қилиниб, 6 миллиард сўмлик даромад олинди.

Ромитонда ҳам бу йил тармоқда бурилиш йили бўлди. 12700 гектар ерда деҳқончилик қилган миришкорлар эл хирмонига 41000 тоннадан зиёд оқ олтин тўкдилар.

Даврон БАҲРОНОВ

Бухоро давлат университетининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагоглари малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш факультетида компьютер хонаси ташкил этилди. Бунда жамоага Осиё тараққиёт банки кўмаги билан бу ерга замонавий

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ КЎМАГИ

электрон аппарати ўрнатилди. Энди тингловчилар таълимдаги янгиликларни ўзлаштирибгина қолмай, балки интернет билан ҳам боғланиш имкониятига эга бўлдилар.

— Бу билан қаноатланганимиз йўқ, — дейди факультет декани И.Каримов, — яқинда масофадан туриб ўқитиш ҳам йўлга қўйилади. Бу эса туманлардан малака оширишга келувчиларга яна бир қулайликдир. Иккинчи жиҳат шуки, Осиё тараққиёт банкининг кредити асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги орқали факультетимиз учун зарур бўлган 10 минг АҚШ доллари қийматидаги китобларга эга бўламиз.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

«GREEN WORLD» ШАРБАТЛАРИ ДУНЁ КЕЗМОҚДА

Тошкентдаги «GREEN WORLD» Ўзбекистон — Америка — Жанубий Корея қўшма корхонаси яқинда дунёда донг таратган 60 га яқин компания қаторида халқаро Сифат Юлдузи билан тақдирланди. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бугун исталган дўкон пештахтасида учратиш мумкин.

Хорижий технология асосида дастгоҳлар соатига 18 минг дона шартли банка шарбат ишлаб чиқариш ва 6 тонна хўл мевани қайта ишлаш қувватига эга.

Шунингдек, корхонада жем маҳсулотлари ҳам тайёрланиб, 400 граммлик идишларга қадоқланади. Бугунги кунда бу ерда 40 киши меҳнат қилмоқда.

— Корхонамиз ҳозирги кунда маҳсулотлар турини кенгайтиришга ҳам эътиборни қаратган, — дейди қўшма корхона бош директори Аваз Исмоилов. — Жорий йилдан бошлаб, инсон танасини зарур миқдордаги йод билан таъминлаш қувватига эга минерал сувларни ҳам тайёрламоқдамиз.

Цехларда мева шарбатларидан ташқари, ёш болалар ва қариялар хуш кўрадиган махсус мевали пьюре, турли сабзавот консервалари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. 2002 йилда чет элга 450 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 600 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги кунда Англия ва Араб давлатларидан ҳам корхона маҳсулотларига буюртмалар берилган.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА



Суратларда: «Business initiative Dipections» президенти Хосе Э. «GREEN WORLD» қўшма корхонаси бош директори Аваз Исмоиловга мукофотни топширмоқда; корхона маҳсулотлари.

Акс-садо

БУЛОҚЛАР КЎЗИ ОЧИЛМОҚДА

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 28 октябрь сонида журналист Фарруҳ Ҳамроевнинг «Буюк элга энди даҳолар керак» сарлавҳали мақоласини ўқиб, мустабид тузум даврида тўфонлар ёпиб кетган заковат булоқларининг кўзини мустақиллик очаётганидан яна бир бор ифтихор туйдим.

Мен бу гапни шунчаки айтаётганим йўқ. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларда икки буюк алломанинг бошига тушган мусибатлардан озми-кўпми бохабар бўлганим учун айтдим. 1962 йилнинг айни саратонида Ҳабиб Абдулла вафот этди. Таҳририятимиз (ҳозирги «Ўзбекистон овози») ҳам ўзбекнинг бу мўътабар фарзандига аза тутганди. Мусаҳҳиҳ Мактуба опа айниқса, зор-зор йиғлагани кечагидай кўз ўнгимда. У кишининг умр йўлдоши Ҳабиб Абдулланинг ўнлаб шогирдларидан бири бўлиб, бу хонадонга отадай яқин бўлиб қолган экан. Алломани меҳнат ё қийинчилик эмас, шўро замонасининг таъқиблари, миллий кадрларга бўлган таҳқир, салбий муносабат адо қилганди, буни билганлар эса дардларини ичларига ютиб яшашга маҳкум эдилар.

Айни пайтда бошқа бир улуғ файласуф Иброҳим Мўминов бошида қора булут кезарди. Қай бир илмий анжуманда «Ўрта Осиё тарихида Амир Темурнинг ўрни ва роли» мавзуида қилган маърузаси унга кўп маломатлар келтирди. Бу маъруза рус тилида «Роль и места Амира Темура в истории Средней Азии» номи билан китобча ҳолида нашр этилган бўлиб, собиқ иттифоқ фанлар академиясининг ўнлаб аъзолари тақриздан ўтказганлари қайд этилган бўлса ҳам Темурни улуғлашга уриниш, деб қараб олимни қийнашарди. Мустабид тузум истеъдодларни маҳв этган бўлса, истиқлол иқтидорларни юзага чиқарди.

Бас шундай экан, пешонасига иттифоқнинг пахта хомашёси бериш деган тамға босилган Ўзбекистоннинг қай бир фарзанди аждодлари изидан боришига ким ҳам йўл берарди?! Орзулари юлдуз кўрмай жон берган, интилишлари маломатлар билан қутиб олинган заковат аҳли уммон тубидаги жавоҳирга айланган эди.

«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деб дунёга солган давлатимиз бошлиғининг башоратини Американинг энг нуфузли университети майдонига байроғимиз тикланишига сабабчи бўлган Фарҳоджон ва Олимжонлар илмий салоҳиятли исботлаб турибди.

Мавзуим математиканинг энг долзарб бўлими бўлган алгебраик-геометрияга бағишланган, — дейди Фарҳоджон Эшматов. — Математиканинг ушбу бўлими катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, техникадаги жуда кўплаб муаммоларнинг ҳал этилишига ёрдам беради.

Фарҳоджоннинг дунёдаги ўнлаб университетларда маъруза қилиб, эътироф этилиши, укаси Олимжоннинг бир йўла Американинг тўққизта университети магистратурасига қабул қилиниши ҳеч шубҳасиз бизни иқтисодий, сиёсий ва тафаккур қарамлигидан озод қилган Истиқлолнинг неъматидир.

Бир оилада олти олим. Олти илм-фан фидойиси. Дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатлари университетларида таҳсил олаётган юзлаб ёшларимиз, илмий изланишлари уларнинг самаралари билан дунёни лол қолдираётган укаларимиз ва фарзандларимиз шоир орзу қилганидай, даҳолар бўлиб етишсалар ажаб эмас!

Зеро, булоқлар кўзи очила бошлади.

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳуқуқий ислоҳот

МЕҲР-МУРУВВАТ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА

«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши жамиятимизда катта воқеа бўлди. Чуқур ўйлаб амалга оширилган бу иш ўтган мана шу қисқа вақтдаёқ ҳаётда ўз самарасини бермоқда.

Эндиликда эҳтиётсизлик оқибатида, ижтимоий хавфлилик даражаси катта бўлмаган бир қанча жиноят турлари учун қамоқ жазоси бериш назарда тутилмайди. Келтирилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланса, жабрланувчи билан ярашув битими тузилса, айбланувчига озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмайди. Илгари бундай жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиларди. Бундай кишилар эса қамоқдан чиққач, жуда кўп ҳолларда «ўтириб» чиққанлиги учун ишга жойлаша олмай, маълум қисми яна қайта жиноятга қўл урарди. Натижада собиқ маҳбус ўғирлик, босқинчилик, товламачилик йўлига кирар, ички ишлар органларининг ҳисобида турар, ички ишлар органларининг ҳисобида турар, ички ишлар органларининг ҳисобида тур

Ҳикматли сўзлар маъноси

КЕМАЧИ ХОН БЎЛДИ, БИЗ НАВКАР БЎЛДИК, АЛЛОҲНИНГ АМРИДАН СУВ ТЎКАР БЎЛДИК

Навкар — 1) хизматчи; 2) аскар, йигит. Кемада кетаётганда кучли тўлқин туриб қолса, кеманинг ичига сув туша бошлайди. Шунда кемадагилар чўкиб кетмаслик учун дуч келган идиш-оёқ билан сувни олиб, кемадан ташқарига тўкиб турадилар. Бундай хавф-хатарли пайтда кемачининг айтгани-айтган, деганидеган бўлади. Кемадаги ҳар бир киши (у ким бўлишидан қатъи назар) кемачининг буйруғини бажариши шарт бўлиб қолади. Ҳаётда баъзан шундай бўладики, амалдор амалидан тушиб қолади-да, замонанинг зайли билан унинг ўрнини собиқ хизматкори, қўл остида ишлаган одами эгаллайди. Унга тобе бўлиб қолган собиқ амалдор киноя, пичинг тарзида юқоридаги мақолни ишлатади ёхуд ўзгалар шундай собиқ амалдорнинг ҳолидан кулганларида истеҳзо билан қўллайдилар.

КЕНГ ЖОЙДА ТОР ЎТИРСАНГ, ТОР ЖОЙДА КЕНГ ЎТИРАСАН

Бу билан: «Қийин бўлмаган кунларда мажбур бўлмасанг ҳам ёхуд сени биров мажбур қилмаса ҳам, қийналиб, ўзингни-ўзинг қийнаб ишласанг, чиниқасан, қийинчиликларга бардош берадиган бўласан. Натижада қийин кунлар келганда қийналмайсан», дейилмоқчи.

КИЙИМНИ БЎЙИГА ҚАРАБ БИЧАДИЛАР

Бу мақолни мажозий маънода кўпинча: «Бировга бирор иш топширадиган бўлсанг, унинг ҳоли-кудратига, маҳоратига, истеъдод ва қобилиятига қараб топшир. Масалан, катта одамга бола қиладиган, боланинг ҳам кўлидан келадиган ишни топширадиган бўлсанг, унинг иззат-нафсига тегади, жаҳли чиқади... Болага катта одам қиладиган, катта одамнингина қўлидан келадиган ишни топширсанг, авваламбор у бунинг уддасидан чиқа олмайди, гапингни ерда қолдирмай, урингани тақдирда — қийналади, азоб чекади, ҳатто шикастланади», деган маънода қўллайдилар.

Болалар спорти

«ЎЗБЕКИСТОН. ТАЭКВОНДО. ҒАЛАБА!»

РЕСПУБЛИКАМИЗ ЁШ ТАЭКВОНДОЧИЛАРИ ШИОРИ ШУНДАЙ

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишида жамғарма фаолиятига тўхталаркан, «Гап рақамларда эмас. Асосийси, бу рақамлар, кўрсаткичларнинг бугун қилаётган ишимизга қараб эртага ўсиши, ўзгаришидир. Хўжакўрсинга рақамбозлик қилишдан кўра, соғлом авлод тарбияси муҳим эканини унутмайлик», дегандилар.

Бугун мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шуғулланиш даражаси қандай эканлиги, республика миқёсида қанча спорт иншоотлари мавжудлигию улардан неча фоизи ишлаётганлиги хусусида гапириш учун чуқур таҳлил ва асос керак, албатта. Бироқ, тахминий маълумотларга кўра, республикамиздаги мавжуд спорт иншоотларидан 30-40 фоизи ишлаяпти, холос. Спорт иншоотларидан фойдаланилмаётганлигининг асосий сабаблари спорт мураббийлари етишмаслиги, жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, ташкилотчилик, фидойилик камлиги билан боғлиқ хато бўлмайди.

— Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш бу фақат жамғарманинг вазифаси эмаслигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак, — дейди Ўзбекистон таэквондо (ITF) миллий ассоциацияси президенти, 5-ДАН қора белбоғ соҳиби Пўлат Усмонов. — Ўғил-қизларимизни спортга жалб қилиш учун янги спорт иншоотлари барпо этилишини кутиб ўтириш ярамайди. Афсуски, бугун жойлардаги айрим мактаб ва корхоналар қошида ҳувиллаб ётган спорт заллари ҳам йўқ эмас. Агар биз болаларимизнинг соғлом ва бақувват улғайишини истасак, бу иншоотлардан унумли фойдаланишимиз лозим. Шуни назарда тутган ҳолда, шаҳар ва вилоятлардаги таэквондо федерациялари фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Бундан 4-5 йил муқаддам республикамизда ихлосмандлардан йигирма минг нафари таэквондо билан шуғулланарди. Ҳозирда бу кўрсаткич салкам етмиш минг нафарга етиб қолди. Қувонарлиси, Шарқ яккакурашининг бу тури билан асосан қишлоқ ва шаҳарларимиздаги болалар ҳамда ўсмирлар шуғулланишмоқда. Федерацияларимиз билан мактаб, маҳаллалар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Тўгаракларимиз мураббийлари ўз шогирдлари билан қирққа яқин мактаб спорт залларини таъмирлаб беришди.

Ўзбекистон таэквондо миллий ассоциациясида малакали мураббийлар тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, какураш турлари федерациялари ўртасида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон таэквондо миллий ассоциацияси ўзбек тилида оммабоп ўқув қўлланмаси чоп эттирди. П.Усмонов, Ш.Шофайзиев, В.Паклар ҳаммуаллифлигида тайёрланган «Ўзбекистон. Таэквондо. Галаба!» номли бу рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ундан таэквондо турининг келиб чиқиш тарихи, унинг усуллари, аҳамияти, мустақиллик йилларида ассоциациянинг амалга оширган ва ошираётган ишлари, спортчиларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари жой олган.



— Ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп, — дея ўз сўзида давом этади ассоциация президенти. — Ҳозир маҳаллий енгил саноат корхоналарида таэквондо спорт кийимлари ва анжомларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш хусусида тегишли ташкилотлар билан музокаралар олиб бораяпмиз. Агар бу иш ҳал бўлса, энг муҳим муаммолардан яна бири ўз ечимини топарди.

Халқимиз орасида юрт шуҳрати, миллат шаънини кўкларга кўтара оладиган истеъдод эгалари жуда кўп. Фақат уларга етарли шароит яратиш, вақтида кашф қила билиш керак. Ана шундай эзгу мақсадлар йўлида астойдил тер тўкаётган таэквондочилар яна бир нуфузли мусобақада муваффақият қозониб қайтишгани қувонарлидир.

5-9 ноябрь кунлари Семипалатинск (Қозоғистон)да болалар ва ёшлар ўртасида ўтказилган «Кубок Семей» анъанавий халқаро турнирида таэквондочиларимиз 6 та олтин, 5 та кумуш, 7 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Мусобақада Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон мамлакатлардан жами 20 та жамоа иштирок этди.

Шахсий биринчиликда Алифтина Ким, Шахло Довирова, Лаура Қушимбетовалар олтин, Ўғилой Машарипова, Олесия Пень, Фарҳод Рустамов, Лазизбек Каримовлар кумуш, Отабек Зиёев, Ҳотамжон Каримов, Зиёдахон Юсупова, Сардор Содиқов, Ортиқ Раҳимов, Аъзамжон Ажибековлар бронза медаллари билан тақдирландилар. Жамоавий баҳсларда спортчиларимиз 3 та олтин, 1 та кумуш медалига сазовор бўлишди.

Шу кунларда таэквондочиларимиз 5-10 декабрь кунлари Санкт-Петербургда ўтадиган Европа очиқ чемпионатига қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Эркин ХОЛБОБО

❖

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Москвада «Олтин барглар» анъанавий халқаро турнири ниҳоясига етди. Ўндан ортиқ мамлакатдан 150 нафар гимнастикачи қатнашган мусобақада спортчиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Баҳсларда Ульяна Трофимова (Навоий) кўпкураш бўйича шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой олди. Шунингдек, вакилларимиздан Мая Филиппова, Зарина Израилбекова, Моҳости Жўраева (барчаси Бухородан) ҳамда Рита Алимова(Тошкент)лар турнирнинг бронза медаллари билан тақдирландилар.

САМБО

Санкт-Петербург шаҳрида йигирма еттинчи жаҳон чемпионатига якун ясалди. Дунёнинг йигирмага яқин самбочилари гиламга чиққан нуфузли беллашувларда ҳамюртларимиздан икки нафари совриндор бўлди.

Маҳоратли полвонимиз Шавкат Жўраев (52 кг.) финалда мезбонлар вакили Схатбий Альахов билан куч синашди. Муросасиз ўтган беллашувда кичик фарқ билан очколар ҳисобида Схатбийнинг қўли устун келди. Иккинчи самбочимиз Акром Эшов (74 кг.) финал йўлланмасини украиналик Виктор Савиновга бой бериб қўйди ва бронза медали билан кифояланди.

ПРОФИ-БОКС

Таниқли боксчимиз, профессионал «Ўзбекистон ифтихори» нишони соҳиби Артур Григорян келгуси йилнинг 3 январида навбатдаги жангини ўтказади. Маълумотларга қараганда, унинг рақиби WBO ва WBA йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони, бразилиялик Аселино Фрейтас бўлади.

2001 йил январда Хоэл Касамайорни мағлубиятга учратган Фрейтас WBA чемпионлик камарига ҳам сазовор бўлганди. У ҳозиргача профессионал рингда 34 учрашув ўтказиб, 31 тасини нокаут билан якунлаган. Шунингдек, Аселино Фрейтаснинг шу йил 9 августда ўтказган жанги «Йил жанги» номинацияси бўйича ғолибликка асосий даъвогар бўлиб турибди.

«Обуна — 2004»

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

«Мулоқот» журналининг дикқатга сазовор жиҳати, унинг саҳифаларида республикамизнинг таниқли олимлари, жамоат арбоблари қаторида оддий замондошларимизнинг фикрлари, ўй-қарашларига ҳам кенг ўрин берилади. Бу нашр Ватанимизнинг улуғ тарихи, улкан маънавий мерос ва қадриятларимизни тарғиб қилиб келаётгани билан ҳам муҳимдир. Айниқса, «Тарихга назар», «Янгилик билан учрашув», «Нафосат чироғи», «Ислоҳот чорраҳаларида», «Умри узун удумлар», «Мозийга сафар», «Мушоира» рукни остида эълон қилинаётган мақола ва шеърлар кўпларга манзур бўлаётир.

Журнал бу анъанани янги йилда ҳам давом эттириш ниятида. Чоп этилажак сонларда халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумларига оид чиқишлар билан бирга, таниқли олимларнинг инсонпарвар жамият ва баркамол шахс, ижтимоий-ҳуқуқий мавзудаги баҳс-мунозаралари эълон қилинади. Жумладан, А.Йўлдошевнинг «Тарих ва маънавият», С.Ҳасановнинг «Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти», О.Маҳмудовнинг «Тафаккур — гулшан, қадрият — уммон», М.Усмоновнинг «Поклик каромати», Қ.Хоназаровнинг «Мустақиллик ва дипломатия фалсафаси», В. Раҳмоннинг «Бадиият сеҳргари» номли мақолалари ўқувчиларни фикр ва тафаккур мусоҳабасига чорлаши шубҳасиз. Шунингдек, Ойбек, Уйғун, Ҳамид Олимжон каби табаррук сиймолар ҳаётига оид янги маълумотлар, истиқлол учун хизмат қилаётган юртдошларимиз ҳақида қизиқарли лавҳалар бериб борилиши режалаштирилмоқда.

Журнал таҳририяти янги рукнлар, янги мавзу ва янги муаллифлар билан ишлашни ният қилган. Даврнинг энг долзарб масалаларига дадил муносабат билдириб, халқимиз тарихи, унинг бой маданий мероси ва анъаналарини кенг тарғиб қилиб келаётган «Мулоқот» кўнглингизга нур, хонадонингизга файз, онгингизга зиё бахш этишига ишонамиз.

Агар Сиз журналга ўз вақтида обуна бўлсангиз, моддий ва маънавий жиҳатдан ютасиз. Чунки, журналнинг чакана савдодаги нархи обуначи оладиганидан анча қимматга тушади. Обуна — чинакам ўқувчи учун энг қулай имконият.

Нашр кўрсаткичи — 844.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 0060

7621 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA



Касбдошлар ҳақида сўз

ШАРҲИНИ ТИНГЛАНГ — КИМЛИГИНИ ТАНИЙСИЗ

Қаршида ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Олим Равшанов хонасида суҳбатлашиб тургандик, «Ўзбекистон» телеканалида футбол бошланиб қолди: «Микрофонларимиз Муборак шаҳридаги марказий ўйингоҳига ўрнатилган, майдонда «Машъал» ва «Навбаҳор» жамоалари...» жуда таниш овоз...

— Шарҳловчи ким? — сўрадим Олимжондан.

— Ўзимизнинг Хусан ака-ку!

— Ҳа-е, дарвоқе, Хусан ака, Темиров... — Кўз олдимда доим кулиб турувчи бугдойранг чеҳра жонланди.

— Хусан ака узоқ йиллардан буён шарҳловчилик қилади-а? — сўрайман яна.

Бирдан диққатимиз бўлинди: «...тўп «Навбаҳор» ўйинчиларида, хавфли вазият».

— Ҳа, 1973 йилдан буён, — жавоб қилди Олимжон «хавфли вазият» сўнггида. — Болалигиданоқ Ахбор Имомхўжаев олиб борган репортажларни ҳавас билан тинглаган инсон. Таниқли шарҳловчи Н.Озеров, Я.Пари, К.Махарадзе, Р.Турпишев, В.Лавинларга тақлид қилиб, ўзи ўқиган мактабнинг спорт майдончасида ва қишлоқ кўчаларида копток тепган тенгқурлари орасида ўзича футбол репортажлари олиб борган. Ишни ҳам радиода суҳандонликдан бошлаган. «Ўғилой Опам — Турғуной Юнусхўжаева, мен эса Қодир Махсумов бўлиб шеърлар ўқирдик» деб эслайди ўзи ҳам.

— Айтгандай, вилоят телевидениеси янги бинога кўчиб ўтиб, Хусан аканинг ишлари янаям авж олгандир?..

— Ҳа... лекин аканинг ўз фаолиятидан унчаям кўнгли тўқ эмас. Қайси куни «Ҳали ҳам бадиийгоявий бўш, қуруқ баён ва техник жиҳатдан мукаммал бўлмаган кўрсатувларимиз кўп», дея куюниб қолди у. Лекин яқин орада 2,5 миллион еврони ташкил этувчи «БФС-Симекс» видео ускуналари олиб келтирилиши керак экан. Ўшандан кейин кўрсатувларнинг техник сифати яхшиланмаса... Лекин аканинг ниятлари бор: «Немис овози» телевидениеси ва радиоси билан ҳамкорлик қилмоқчи. Ёниб-куйиб ишлайди-да ўзиям... Бўлмаса, оддий суҳандонликдан вилоят телерадио компанияси раиси даражасигача кўтарилиш осонми?! Фидойилиги боис «Шуҳрат» медали соҳиби...

Шу пайт диққатимиз яна бўлинди: «...яхшигина зарба — го-ол! Мана, кўрганингиздек, «Машъал»чилар ҳисобни очишди. Энди..»

— Акани қаттиққўл ҳам дейишади...

— Тўғри, ҳозир қаттиққўллик ҳам керак. Шуни орқасидан-да, вилоят телерадиокомпанияси сўнгги йилларда қатор ютуқларга эришяпти. Ишга келадиганлар ҳам «чертиб-чертиб» олинади. Лекин қўл остидагиларни бировга хор ҳам қилиб қўймайди. Уларнинг ҳимояси, иззат-нафси учун ҳеч нарсадан қайтмайди...

— Э, тўхтанг, айтганча, намунча Ҳусан ака ҳақида қизиқиб қолдингиз?..

— Шунчаки ўзим, яхши одамда... Очиғи, яқинда 50 ёшга тўларкан, у ҳақда бирор нима ёзсак, девдим...

— Ҳа-я, айтгандай, яхшигина эмас, жуда зўр бўлади-да, ёзинг...

Фикримизни яна телевизор «ўғирлади». «...Шундай вазиятни қўлдан чиқармаган маъқул, ... дарвоза томон яқинлашиб келяпти!... Гоо..ол!..»

Илҳом КАРОМОВ

Халқаро журнал саҳифаларида

«БОЙСУН ЖУНГЛИЛАРИДАН КАНДИ ЎРМОНЛАРИГАЧА»

Японияда нашр этиладиган Осиё ва Тинч океани ҳавзаси ҳудудидаги мамлакатларда яшовчи халқларнинг саводхонлиги, маданияти ва китобат олами янгиликлари билан хабардор этувчи ЮНЕСКО тасарруфидаги «АВД» журналининг навбатдаги сони муштарийлар қўлига тегди. Токио шаҳрида чоп этилиб, 25 давлатга тарқаладиган мазкур журнал саҳифаларидаги энг янги китоблар ҳақидаги маълумотлар кўпчиликнинг диққатини жалб этмоқда. Айниқса, ундаги ўзбек ёзувчиси Дадахон Нурий қаламига мансуб «Бойсун жунглиларидан Канди ўрмонларигача» деб номланган тўқилмаган саргузаштлар китоби ҳақидаги Гулчеҳра Саъдуллаева қаламига мансуб мақола журналхонларда катта қизиқиш уйғотади. Асарда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани тоғу бўстонлари, Сурхон воҳасининг Бойсундек гўзал гўшалари, Бухорои шарифнинг кўҳна сардобалари тасвири ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Токио хорижий тиллар университетининг хорижий тиллар факультетида ёзувчининг жаннатмакон ўлкамиз ҳамда хориж мамлакатларидаги нурли гўшаларни зиёрат этиш давомида кўрган-кечирган саргузаштлари талабаларга амалий дарс сифатида ҳикоя қилинмоқда.

Муҳими шундаки, япон китобсеварлари ва талаба дўстларимиз ушбу асарни тўлиқ ўқишга ва яқин келажакда Ўзбекистонга келиб ўзбек тилини ўрганишга иштиёқлари ошди.

«АВД» журнали таҳририяти бундан кейин ҳам ўзбек ёзувчи ва шоирларининг энг сара асарлари билан жаҳон китобхонларини яқиндан таништириб боришни режалаштирган. Бу эса ўзбек адибларини дунё миқёсига олиб чиқиш ва таништиришда муҳим омилдир.

Жавлон РАЗЗОҚОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси

Интер-спорт

РОЙ ЖОНСНИНГ 49-ҒАЛАБАСИ

WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазнли жаҳон чемпиони Рой Жонс ярим оғир вазнда ҳам жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди. Жонс 12-раундли жангни Антонио Тарвер билан ўтказди. Ҳакамлардан бири 114-114 ҳисобида дуранг ёзган бўлса, қолган иккиси Жонс фойдасига ғалабани (117-111, 116-112) қайд қилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу ютуқ Жонсга осонликча қўлга кирмади. Гап шундаки, дастлабки икки рауддан кейин Тарвернинг қўли баланд эди. Учинчи рауддан бошлаб Жонс ташаббусни қўлга олди. Еттинчи раундгача Тарвер анчагина очко йўқотди. Лекин ўнинчи раундни Тарвер кўтаринки руҳда ўтказиб, ғалаба қозонди. Ўн биринчисида эса Жонснинг қўли баланд келди. Якунловчи раундда Жонснинг омади чопиб, ғалабага эришди. Шундай қилиб, Рой Жонс 50 та учрашув ўтказиб, 49-ютуқни қўлга киритди. Тарвер ҳисобида эса 21 та ғалаба бор.

КАСПАРОВ БИРИНЧИ ЎЙИННИ ДУРАНГ ҚИЛДИ

Шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Гарри Каспаров X3D Fritz компьютер дастури бўйича баҳснинг дастлабки партиясини дуранг қилди. Нью-Йоркда ўтказилаётган бу учрашувнинг бошида оқлар билан ўйнаган Каспаров бироз устунликка эга эди. Ўйиннинг учинчи соатига борганда компьютер ўзаро вазиятни тенглаштирди. Бир неча юришлардан кейин томонлар дурангга рози бўлишди. Навбатдаги партия бугун ўтказилади. Бордию Каспаров ғалаба қозонса, 50 минг доллар ҳамда «Олтин ҳайкалча»га эга бўлади.



Кимошдисавдолари Агентлиги ва Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

Шуни маълум қиладики, 2003 йил 26 сентябрь ва 3,10,17,24,31 октябрь кунлари аукцион савдоларига қўйилган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Илмий-техник тараққиёти мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Х.Сулаймонова кўчаси, 29-уйда жойлашган шўъба корхонаси шаклидаги «NITEX» замонавий ахборот технологиялари агентлиги, бошланғич нархи — 947 000 сўм ёки 980 АҚШ доллари бўлган объект ҳамда Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, К.Ёрматов кўчаси, 2-уйда жойлашган «АЗИМУТ-РУМБ» давлат кичик корхонаси, бошланғич нархи — 9 967 900,0 сўм ёки 10 290,0 АҚШ доллари бўлган объект

АУКЦИОН САВДОЛАРИДАН БИРЖА САВДОЛАРИГА ЎТКАЗИЛДИ.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.

Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юнусобод туман кенгаши биринчи котиби Учқун Қудратович Шойимқуловга отаси

Қудрат ШОЙИМҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси газетанинг Самарқанд вилояти бўйича мухбири Шуҳрат Қаршиевга падари бузруквори

Эшбой ҚАРШИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.